



ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ЯШАШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 25 март куни иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш, йирик энергетика объектлари қурилишини бошлаб бериш, маҳаллалар аҳли билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди.



Таъкидлаш жоиз, sanoatni rivojlan-tirish keyingi yillarda Namangan viloyatining “drayveri”, ya’ni “usi-sh nuqtasi”ga aйланди. Davlatimiz rahbarining viloyatga tashrifining ilk kuni manzillarida aйнan sanoat rivojiga ustuvor aҳmiyat qaratilgani ham bejizga emas.

Davlatimiz rahbari dastlab Yangi Namangan tumani-dagi “Gavxar grup” korxo-nasini boriб kўrdi. U йiliga 1 ming 200 kilogramm zargarlik buyumlarini sanoat usulida ishlab chikarish kuvvatiga ega.

Jurtimiz zargarligi qadimdan mashhur. Jumladan, Namanganda ham “kўlgu-l” xu-narmand suvolalar bўlgan. Lekin etarli sharoit bўlmagani, xomashё sotiб olishdagi qiyinchiliklar sababli kўp zargarlar fao-liyatini tўxtatgan edi. Bori ham buyumlar-ni kўl meхnatida тайёрlardi.

Prezidentimizning 2019 йil 18 mayda-gi “Ўzbekiston Respublikasida zargarlik tar-mogini jadall rivojlan-tirish chora-tad-birlari tўg'risida”gi farmoni soҳa vakil-lariga keng imkoniyatlar ochdi. Xususan, zargarlik buyumlari ishlab chikaruvchilarga kon-metallurgiya kombinatlari va aҳolidan qimmatbaho metall parчалari, qimmatbaho toshlar va ulardan yasalgan buyumlar-ni so-tib olish huquqi berildi. Horiждан teхnologia va mutaxassislar olib ke-lish kўl-lab-kuvvatlandi.

Bunday ehti-bor va imkoniyatlar zar-gar tad-birkorlariga ishonч berdi. “Gavxar grup” masъuliyati cheklangan jamiyati ham шу tariқа yuzudga ke-lди. Turkia, Italia, AQSh va Germaniadan zamonaviy uskunalar ke-ltirilib, 2022 йilda ishga tu-shirildi.

Bugungi kunda korxona-da 10 ming hil dizayndagi zargarlik buyumlarini ishlab chikarish ўzlashtirilgan. Чет эл-lar bi-lan hamkorlikda kўl soatlarining til-la korpusini тайёр-lash йўlga quyilgan.

2023 йilda 270 kilogramm mahsulot ishlab chikarilgan.

Shuningdek, bu erda 3D model-lashtirish orqali buyortma asosida istalgan kўri-nishdagi buyumlar-ni ishlab chikarish mu-mkin.

Oltinni Товар-xomashё birjasidan ke-chik-tirib tў-lash sharti asosida sotiб olish imkoniyati aйлanma maб-lag va ishlab chikarish uzviyligida muхim omil bўlmoқda.

Yana bir muхim tomoni, korxona-da mahalliy zargarlar bilan kooperatsiya йўl-ga kўyilgan. Natijada yashin ishlagan-lar “soy”dan chikdi, ish ўrinlari kўpайdi. Korxona-da 100 dan ortiq kishining bандli-gi taъminlangan. Шу erning ўzida eш-lar-ga xunar ham ўrgatilaди.

Davlatimiz rahbari korxona-da ishlaёt-gan zargarlar bilan suхbat-lashti.

— Mamlakatimizda йiliga 100 ton-na oltin qazib olaymiz. Uni zargar tad-bir-korlar-ga bўlib tў-lash sharti bilan so-tishga ruxsat berilgan. Ochi-gi, bunday imkoniyatlar hech qaysi davlatda йўk. Lekin jurtimizda oltinning atigi 6 foizi qayta ishlanaypti. Oltin qazib olinmaydigan mamlakatlar bizdan kўp eksport qilyapti. Bu soҳada bir oz kechikdi. Shuning uchun ishlab chikarishga kўshimcha sharoitlar yaratpmiz. Bu хali boшlani-shi. Soҳani хali yana rivojlan-tiramiz, — dedi Shavkat Mirziёev.

Turkijalik ish-bilarmonlar bilan taj-riba almashtirish, soҳaga ond qonunchilikni takomillashtirish masalalari bўyicha mu-lokot bўldi.

Davlatimiz rahbari шу erda “Mexmas” masъuliyati cheklangan jamiyati mahsulot-larini ham kўzdan kechirdi.

Bu korxona йiliga 20 ming ton-na bu-ra-ma mix va 18 ming ton-na ruлонli qoғoz ishlab chikarish, 6 million dollarlik eksport

kuvvatiga ega. 700 kishi ish bilan taъmin-langan.

Bozor talabidan ke-lib chikbi, avto-mo-bilь sanoatida kўllanadigan mahkam-lash mahsulotlari хajmini va eksport-ni oshi-ri-sh, ish ўrinlarini kўpайtirish reжалari yozasidan kўrsatmalar berildi.

Shundan sўng Prezident Shavkat Mirziёev Namangan viloyati Uychi tu-ma-nidagi “Kumtepa” eш-lar kichik sanoat zonasida bўldi.

Maхallalarda shaklangan kasb-xu-narlar-ni rivojlan-tirib, drayverga aйлan-tirish, шу orqali aҳoli бандлиги va daromadlarini oshirish davlat siёsati darajasiga kўtarilgan. Uychi tumani-dagi Kumtepa, Deхqon, Balandariq va Jийda-ka-pa maхallalarida temirchilik shunday йўnali-sh.

2021 йilda bu erda temirchilikka iхti-sos-lashgan sanoat zonas-i tashkil etilib, xonadonlardagi usta-xunarmandlar-ga za-rur sharoitlar yaratib berildi. Уч гектар maydonni eгаллагan majmuа йўl, energiya, ichimlik va oқova suv ka-bi barcha inf-ra-tuzilma bilan taъminlandi. Шу bilan birga, energiya teжaмkor usullar jo-riy etilib, keуёш panel-laridan samarali foйdalanil-moқda.

Davlatimiz rahbari bu erda ishlab chikarish jaraёnini kўzdan kechirdi, temirchi xunarmandlar bilan suхbat-lashti.

Sanoat zonasida birinchi bosqichda 52 ta loyix-a amalga oshirilib, 1 ming 500 dan ortiq ish ўrni yaratilgan. Ustalar xomashёni “Azia metall prof” korxo-nasi va Toshkent metallurgiya zavodidan olib, temirdan darvoza, eшik, sўri, panjara va boшqa metall buyumlar ishlab chikar-moқda.

Jой-larda bu mahsulot-larga талаb yoқo-ri. Шу bois, tad-birkorlar barcha viloyat-

larda ўz savdo uylari va ishlab chikarish filiallarini ochgan. Bundan tashqari, kўshni davlat-larga 1,2 million dollarlik mahsulot eksport qilingan.

Ikkinchi bosqichda yana 45 ta loyixani amalga oshirish, 1 ming 330 ta kўshimcha ish ўrni yaratish reжалashtirilgan.

Prezidentimiz mutasaddilarga sanoat zonas-i maydonidan samarali foйdalani-sh, eш-lar-ni va ish-siz fuqarolar-ni xunar-ga жалb etish bўyicha kўrsatmalar berdi.

Shu erda maхallaba-y ish-lash orqali ish-sizlikni kamaйтirish bўyicha vazifalar muҳoka-ma qilingdi.

Sayxunobod tajribasi asosida 14 ta tumandagi 788 ta maхallaga iqtisodiy idoralar-ni rahbar va masъul xodim-lari bi-riktirilgan. Ular “maхalla et-tiligi” bilan birga 557 ming xonadon-dagi imkoniyat-lar-ni ўrgan-gan.

— Men Sayxunoboda “bu йil iqtisodi-ёtimizda хaётий uйgoni-sh va yuksali-sh йili bўladi” dedim. Maқсад — inson saloхи-ya-tiga kapital йўnal-tirish, uni хarakat-ga uңdash, dunёqarash-ni ўzgartirish. Uychi tumani ham iqtisodiy-ёti ogir хudud. Ushbu tizim asosida ish-sizlar-ga tomorqadan da-romad topish, ўz ishini ochish, qobiliyat-ni yozaga chikarish-ga kўmak-lashtirish kerak, — dedi Prezident.

Davlatimiz rahbari Kumtepa maхallasi markazida ham bўlib, aҳoli uchun yaratilgan sharoitlar bilan tani-shdi.

Mazkur maхallada 5 ming 200 nafar-ga yaқin aҳoli yaшaydi. Xonadonlar metall-ni qayta ish-lash, deхqonchilik va хizmat kўr-satish-ga iхti-sos-lashgan.

Bu йil maхalla qiyёfasi yaхшилandi. Maхalla idorasi uchun yangi bino qurildi. Barcha xonadonlar ichimlik suv taъminoti-ga ulandi. Ichki йў-lar, elektr tar-moқla-ri taъmirlandi. “Yashil maқon” dasturi

doirasida йўl bўylariga mevali va manza-rali dарахt kўchatlari ekilldi.

Maхallada tikuvchilik cexi, gўzallik saloni, sport maydonchalari, tibbiёт punk-ti, kutubxona, oziq-ovqat dўkonlari hamda dorixonalар aҳoliga хizmat kўrsatmoқda.

Yangi maхalla binosida Tad-birkorlar-ga kўmak-lashtirish markazi ham tashkil etildi. Bu erda aҳoli va tad-birkorlar ayrim dav-lat хizmatlaridan foйdalani-shi mu-mkin. Prezident bu-ni maъkullaб, davlat idorala-ri bilan boғliқ masalalar-ni iloжи boriча maхallalar-niing ўzida хal etish zarurlig-ni taъkid-ladi.

Davlatimiz rahbari Namangan tumani-dagi “Nam Motor Servis” korxo-nasi fao-liya-ti bilan tani-shdi.

Tўrt gektardan ortiq хududda joй-lash-gan ushbu investitsion loyixaning dastlab-ki bosqichi 2021 йilda ishga tu-shirilgan. Xitoydan zamonaviy teхnologiyalar ke-ltirib ўrnatildi. Natijada йiliga ўn ming dona elektr dvigatelь, ikki ming dona suv nasosi ishlab chikarish kuvvati yaratildi. Юz kishi ish bilan taъminlandi.

Korxona mahsulotlari energiya teжa-mkorlik klassining “IE2” darajasida bў-lib, хalkaro standart-larga javob be-radi. Ular mamlakatimizdagi kon-metallurgiya kombinatlari, suv хўjaligi hamda Mar-казий Osiё davlat-lariga etkazib beril-moқda.

Yana bir muхim jiҳati, elektr dvigatel-lar ishlab chikarish 60, suv nasoslari 100 foiz maхalliy-lashtirilgan.

Prezidentimiz-ga korxonaning istiқ-boldagi reжалari, navbatdagi bosqichlar хaqida maълumot berildi.

Loyixaning ikkinchi bosqichi may oйi-da, yakuniy bosqich esa йil oxirigaча ish-ga tu-shadi. Natijada ishlab chikarilaётган mahsulotlar turi ortib, hamkorlik geogra-

fias-i kengaydi. Yana 160 ta yangi ish ўrni yaratiladi.

Xususan, bu erda 2,2 ming ton-na e-mal-langan sim, 6 ming dona elektr dvigatelь, 4 ming dona kat-ta хajmdagi suv nasosi ishlab chikarish imkoniyati yaratiladi. Bu kўshimcha 500 milliard sўmlik sanoat mahsulotlari, degani.

Boшqa tar-moқlar va korxonalar bilan kooperatsiya-ni kengaytirish, maхalliy-lashtirish darajasini oshirish bўyicha kўrsatmalar berildi.

Mamlakatimizning barcha хududlarida investitsiya loyixalari muvaфfaqiyatli amalga oshirilmoқda, yana sar-mo-yalar kirib ke-lmoқda. Bunga asos — Yangi Ўzbekiston-ga bўlgan ishonч.

Namangan viloyatida ham umumiy qiy-mati 4 milliard dollarlik 47 loyix-a shakllantirilgan. Shundan 2 milliard 300 million dollarlik 17 tasi davlatimiz rahbariga taъdi-mot qilingdi.

Ular-ga Rossiya, Xitoy, Turkia, BAA, Frantsiya, Germaniya, Avstriya, Italia, Ni-derlandiya, Эрон, Pokiston ka-bi mamlakat-lar kompaniyalari investitsiya kir-it-moқda. Loyixalar qurilish materiallari, elektr teхnikasi, kimё, tўqimachilik, oziq-ovqat, farmatsevtika, tibbiёт, konchilik, balik-chilik va boшqa tar-moқlar-ni kamrab olgan.

Masalan, Xitoy bilan hamkorlikda Чуст tumani-da mis qazib olish va qayta ish-lash, pokistonlik investor tomonidan Tўraqўrgon tumani-da sintetик ma-to ishlab chikarish va bўyash, Avstriya kompaniyasi bilan viloyat travmatologiya markazini jiҳoz-lash reжалashtirilgan.

Mazkur 47 ta loyix-a natijasi-da 40 mingdan ortiq aҳoli ish bilan taъmin-lanadi.

► Davomi 2-betda



“СЕРВИС ДАВЛАТ”

бюрократияга тўла барҳам берадими?

Davlat хizmatlaridan onlayn foйdalani-sh imkoni yaratilishi keyingi yillardagi энг katta isloхotlardan biri bўldi. Bunday хizmatlar turi kўpайib boraётir. “Ўzbekiston — 2030” strate-giya-sini “Eш-lar va biznesni kўl-lab-kuvvat-lash йili”da amalga oshirish-ga ond davlat dasturiga kўra, soҳani raқam-lashtirish kўlami yana-da kengaydi. Aҳoli uchun “Сервис davlat” tizimi jo-riy qili-nadi. Bu orqali fuqaro va davlat ўrtasida-gi mu-nosabat-larda byurokratiya-ga barхам beriladi.

Shunga qaramay, soҳada хamon echimini kutaётган masalalar bor. Ular-ga ўz vaқtida barхам be-rish uchun davlat dasturida mazkur soҳaga doir qator vazifa-lar belgilab berildi. Xўsh, ular nimalar-dan iborat va iжrossi qay darajada?

— Vazifalar, avvalo, davlat boшkaru-vinda ortiqча byurokratik tўsiқlar, murakkab-lashgan tartib-lar va eskirgan eңdashuvlar-ni bartaraf etish-ga qaratilgan, — deydi Adliya vazirligi masъul ho-dimi Abbor Maхsudov. — Kutilaётган ўzgarish-lar davlat хizmatlarini kўrsatish-ni yangi bosqich-ga olib chikish-ga qaratilgan. Proaktiv va kom-pozit shakl-da kўrsatilaдигan davlat хizmatlari kўlami-ni oshirish ham nazarda tutilmoқda. Masalan, auкцион orqali kўchmas mulk sotiб olinganda un-ga bўlgan huquqlar-ni bir vaқt-da rўйхatdan ўtkazish mu-mkin bўladi.

► Davomi 3-betda

ОЛТИН ҚўЛЛАР ОЛТИН МАНЗИЛЛАР ЯРАТМОҚДА



2

ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ тараққиётнинг икки қаноти



6

2024 йил 26 март, 60-сон

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ЯШАШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари инвестор ва ташаббускорлар билан бирма-бир суҳбатлашди. Лойиҳаларнинг иқтисодий самардорлиги муҳокама қилиниб, уларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу куни Наманган вилоятида янги электр станциялари қурилишига бағишланган маросим бўлди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда 1,6 гигаваттли 9 та қуёш ва шамол электр станциялари тармоққа уланди. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттли 6 та гидроэлектрстанцияси ишга туширилди.

Бугунги кунда Наманганда жами 913 мегаватт генерация қуввати мавжуд. Сўнгги уч йилда электр истеъмоли 24 фоизга ўсган ва бу, табиийки, давом этади.

Шу боис, вилоятда жами қиймати 1,1 миллиард доллар, қуввати 1 минг 228 мегаватт бўлган учта мажмуа лойиҳалаштирилди. Булар гидроэлектрстанциялар каскади ҳамда иккита қуёш электр станциясидир.

Жумладан, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти 434 миллион доллар эвазига Уйчи тумани, Норин дарёсиде 228 мегаваттли 6 та “ГЭС каскади”ни барпо қилади. Бунинг натижасида йилгига 1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, 310 миллион метр куб газ иқтисод қилинади, 430 минг хонадонга электр уза-тилади.

Яна бир эътиборли томони, ушбу ГЭС тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилаётган ускуна ва технологиялар ҳисобига қурилади. Яъни у мамлакатимизда “биринчи мил-лий ГЭС” бўлади.

Бу станцияларда 133 киши, қурилиш даврида 4 минг одам ишлайди.

Поп туманида Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компанияси томонидан 500 мегаватт қувватли қуёш электр станцияси қурилади. Мазкур лойиҳанинг қиймати 350 миллион доллар бўлиб, йиллик ишлаб чиқа-риш ҳажми 1 миллиард 95 миллион кило-ватт-соатни ташкил этади.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Tepelen Group Holding Limited” компа-нияси билан ҳамкорликдаги қуёш электр станцияси ҳам Поппа қурилади. Унинг ҳам қиймати 350 миллион доллар, қуввати 500 мегаваттни ташкил этади.

Ушбу станцияларни шу йил якунига қа-дар тармоққа улаш кўзда тутилган. Уларда 120 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мазкур лойиҳалар натижасида Наман-ган вилоятининг генерация қувватлари 2141 мегаваттга етади. Йиллик 7,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса вилоятнинг электр энер-гиясига бўлган 5,5 миллиард кВт соатлик талабини тўлиқ қоплайди. Ортган 30 фоиз электр Андижон ва Фаргона вилоятларига йўналтирилади.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, мазкур йирик энергетика лойиҳалари қурилишини бошлаб берди.

— Одамларимиз фаровон яшашига ша-роит яратиш Янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий пойдеворларидан биридир. Бунинг учун катта-кичик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, уларнинг барқарор фао-лияти учун узлуқсиз энергия таъминоти ниҳоятда зарур. Шу маънода, бугунги ма-росим ҳам тарихий воқеа. Барчангизни шундай янги лойиҳа ва ташаббуслар билан табриклайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таъкидлаш жоизки, 2025 йилда Поп ва Уйчи туманларида умумий қуввати 200 мегаватт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимлари ишга туширилиши ре-жалаштирилган. Бу лойиҳалар истеъмол ортган даврда ягона энергетика тизимини ролстлаш ва электр энергиясини истеъмол-

чиларга барқарор етказиб беришга хизмат қилади.

Шу йилнинг ўзиде республикамизда 14 та қуёш ва шамол станциясини қуриш доираси-да 2,6 гигаватт қувват тармоққа уланади.

Президент Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Наманган шаҳрида На-манган, Андижон ва Фаргона вилоятлари ҳокимлари ҳамда иқтисодий комплекс му-тасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унда Сайхунобод тажрибаси асосида маҳаллабй ишлаш, томорқа ва хонадонлар-даги имкониятлардан фойдаланиб, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Водий вилоятларида аҳоли зич яшайди.

Ҳар қарич ер қадрли. Миришкорлар ердан фойдаланишининг ҳадисини олган. Ҳунар-мандчилик, тадбиркорлик яхши ривожлан-ган. Шу билан бирга, маҳаллаларда ишсиз-лар, эҳтиёжмандлар ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари бундай инсонлар-га алоҳида эътибор қаратиш, ташкилий-молиявий кўмак бериб, бандлигини таъ-минлаш зарурлигини айтди. Бунинг учун барча масъуллар ҳар бир корхона, тадбир-кор ва хонадон билан яқиндан ишлайдиган тизимни йўлга қўйиши керак.

Шу боис, маҳаллаларга ҳокимлик ва барча иқтисодий идора ҳодимлари бирикти-рилмоқда. Улар хонадонларда бўлиб, имко-ниятларини таҳлил қилади.

Масалан, томорқаси бўлса, ундан са-марали фойдаланиш, даромадини 60-70 миллион сўмга олиб чиқиш бўйича намуна яратди.

Ҳунармандликка уқуви борларга хомашё, ускуна ва айланма маблағдан ёр-дамлашилди. Тадбиркорлик истаги бўлса, бизнес лойиҳалар қилиб берилди.

Бунда, айниқса, тижорат банклари фаол бўлиши кераклик кўрсатиб ўтилди. Яъни улар, аввало, ўз миқозлари бўлган корхона-лар негизда қўшимча иш ўринлари очили-шини қўллаб-қувватлаши лозим.

Қолаверса, банкларга давлат томони-дан катта ресурслар ажратилмоқда. Улар

жойларда аҳоли ташаббуслариға йўналти-рилиб, бандликка хизмат қилиши зарур.

Бу маблағлар янги иш ўринлари, қўшим-ча маҳсулотлар, аҳолининг харид қобилия-ти орқали охир оқибат иқтисодиётга тушум бўлиб қайтади.

Хонадонларда кичик қайта ишлашларни ташкил этиш, одамларни маҳсулот ишлаб чиқаришга ўргатиш, кооперация ва касана-чиликни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Томорқаларда ва деҳқончилик учун ажратилган ерларда сархил мева-сабзавот-лар етиштириб, экспорт қилиш, чорвачи-лик, паррандчилик, балиқчилик, асалари-чилик орқали рўзгорларга барака киритиш мумкинлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига таширфининг биринчи кунги яку-нида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган иф-торликда иштирок этди.

Халқимиз ҳаёти ва маънавиятида Исло-м динининг ўрни бекиёс. Юртимиз мусулмон-лари муқаддас ақидаларга амал қилиб, эзгу анъаналарни давом эттириб келмоқда.

Бу йил ҳам элимиз маънавий поклик, хай-ру саховат айёми бўлган Рамазон ойини катта хурсандчилик билан кутиб олди. Масжид-ларда Қуръони карим хатм қилиниб, юрти-мизга файзу барака ёғмоқда. Жамиятимизда дўстлик-биродарлик, меҳр ва саховат туйғу-лари кучаймоқда. Одамлар бир-бирига янада меҳр-оқибатли бўлиб, беморлар ва кексалар, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрса-тиш тобора кенгаймоқда.

Бугунги муборак оқшомда юртимизнинг барча ҳудудларида, вилоят, шаҳар ва туман-лардаги ҳамма маҳаллаларда ифторлик дас-турхонлари ёзилди. Наманган вилоятидаги эхсонга Фаргона ва Андижон вилояти ну-ронийлари ҳам таширф буюрди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз му-сулмонларини Рамазон ойи билан яна бир бор табриклайди.

— Бугун барчамиз — муҳтарам уламола-римиз ва нурунийларимиз, жамоатчилигимиз вакиллари биргаликда ифтор қилмоқдамиз.



“Бу менинг юртим!”. Бола ҳали бу гапнинг моҳитини тушунмас, аммо бобонинг ўзи завқландаи бундан. Эҳ-ҳе... мана бу кўрин-ган кенг ҳудуд Олтинсой...

Туманда 54 та маҳалла бор, 187 минг аҳоли яшайди. Барчасида “маҳалла етти-лиги” — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, про-филактика инспектори, солиқ назоратчиси ва ижтимоий ҳодим ишляпти. Туманнинг энг намунали маҳаллалари — Катта Вах-шивор, Қумпайкал, Ботош, Хўжайпок, Ипоқ, Қизилтепа, Хидиршо ва Яккатут.

“Обод турмуш”, “Бибиайнаб”, “Хў-жайпок”, “Халқобод” ва “Гулчечак” маҳалла фуқаролар йиғинларида янги маҳалла бинолари қурилиб, фойдаланиш-га топширилади. Бу маҳаллалар ҳам илгор-ликка даъвогар.

“Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезони бўйича “Тўхтамиш”, “Карсаган”, “Миршоди”, “Қоратепа” ва “Экраз” маҳалла фуқаролар йиғинларида эса ободонлаштириш ва таъмирлаш ишла-ри олиб борилмоқда.

Айни жараёнда Тўхтамиш маҳалласида ҳам эзгу тамойил ва ташаббус доирасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Маҳалла тоғ этагида, денгиз сатҳидан

чиқаётганига гувоҳ бўласиз, — дейди МФЙ раиси Жўрабек Алиқулов.

Олтинсой тумани маҳаллалар уюшма-си томонидан ташкил этилган ишчи гу-руҳ босқичма-босқич барча маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланиш, хонадонларни обод қилиш, уй-рўзгор



маданиятини ривожлантириш борасида турли тарбиёт тадбирлари, кўргазмали семинарлар ҳам ўтказяпти.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери”, “Ёшлар дафтери” рўйхатиға киритилган фуқароларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларға амалий ёр-дам кўрсатиш ҳар бир катта-кичик раҳбар олдидаги энг муҳим ва долзарб вазифа этиб белгилан қаралган.

— Ишсиз аҳоли даромадини ошириш мақсадида деҳқончилик учун ер ажрат-илаётим, — дейди Ўзбекистон маҳал-лалари уюшмаси туман бўлими раҳба-ри Соатмўмин Жумаев. — Яна бир гап, “маҳалла бешлиги” “еттилик”ка айланти-рилиб, ижтимоий ҳодим лавозими жорий этилиши бизни яхлит бир кучли, комплекс жамоаға айлантирди.

Халқобод маҳалласида яшовчи Дил-навоз Ғаниевнинг 3 фарзанди бор.

Ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўп мил-латли Ўзбекистон халқи бутун гўёки бир дас-турхон атрофида жам бўлиб ўтирибди. Уй-лайманки, бу савоби тадбир инсон қадрини улутлашга, ўсиб келётган ёшларимизни мана шундай олижаноб руҳда тарбиялашға хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент бу ишларға хисса қўшаётган иймон-диёнатли, саховатли юртдошлари-мизға ташаккур айтди.

Чиндан ҳам, халқимиз азал-азалдан бир-бирига таянч бўлиб, меҳр-мурувват кўрсатиб яшашни одабийликнинг олий мезони деб билади. Айни шу олижаноб фа-зилатлар бизларни доимо ягона халқ, ягона миллат этиб бирлаштиради, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини енгиб ўтишда бекиёс куч-қувват беради.

Кейинги йилларда хорижда ўқиётган ва ишлаётган ватандошларимизға ҳам муно-сабат ўзгарди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, уларни Ва-танимизға қайтариш, иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш, оила аъзолари ва фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш юза-сидан муҳим чора-тадбирлар амалға оши-рилмоқда.

Яқинда 40 дан зиёд уламолар Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Мисрға са-фарға юборилди. У ерлардаги ватандошлар-имизни дину диёнатға даъват этиш билан бирга, ҳозирги таҳликали вазиятда огоҳ бўлиб, қонунарни ҳурмат қилиш, ёмон йўлларға кирмаслик зарурлиги ҳақида суҳ-батлар қилишди.

Давлатимиз раҳбари чет элдаги юртдош-ларимизни ҳам улуг айём билан табрикляб, уларға солиқ-омонлик ва омад тилади.

Маълумки, янгиланган Конституциями-за “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган муҳим қонда белгилаб қўйилган. Шу асосда мамлакатимизда мутлақо янги ижтимоий ҳимоя тизими шаклланимоқда. Бу тизим би-ринчи навбатда эҳтиёжманд кишиларға,

жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъмин-ланган, етим қолган, ўзгалар парваришиға муҳтож инсонларға ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишға қаратилган.

Бу ҳақда сўзлар экан, Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий бобомизнинг “Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, онча борким, Каъба байрон бўлса, обод ай-лағай” деган ҳикматини ёдға олди.

Бундай қараш муқаддас динимизнинг асл инсоний моҳияти билан ҳамохандир. Ҳақиқатан, чинакам мусулмон ўзига раво кўрган нарсани бошқаларға ҳам раво кўради. Мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш, камбағаллиқни қисқартиришға қаратилган сазй-ҳаракатлар моҳияти айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида энг эзгу тилакларини билдирди.

— Муборак Рамазон ойи шарофати би-лан юртимизда, жами мусулмон ўлкаларда, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар, халқлар ўртасида дўст-би-родарлик, ўзаро ҳурмат туйғулари устувор бўлсин. Қучиллар — оқилларға таянч, са-ховатпешалар — муҳтожларға ёрдамчи, ёшлар — қарияларға ғамхўр бўлсин. Ди-нимизда белгилаб берилган тўғри йўлдан оғишмайлик, айни пайтда замон билан ҳам-нафас яшайлик. Ёшларимиз билимлари би-лан жаҳонға танилиб, юртимиз доврғунини юксакларға кўтаришсин. Ўзбекистон дунё-нинг энг олди, энг илгор давлатларидан бириға айлансин. Тутган рўзаларимиз, дуо-ларимиз даргоҳида қабул бўлсин, — деди Президентимиз.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, Аллоҳ таоладан халқимизға тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг На-манган вилоятига таширфи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВАЛБЕКОВ,
Оқилон ДАДАБОВЕВ,
Ўза мухбирлари

ҳам йўқ бир ҳудуд гавдаланар эди. Лекин бугун Олтинсойға келган киши борки, бу тасаввурлар кўп ҳам ҳақиқат эмасли-ғига шохид бўлади. Туманда қисқа вақт ичида макроиқтисодий кўрсаткичлар-нинг юқори суъратда ўсиши кузатилди. Жумладан, 2023 йилда ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 194 миллиард сўмни ташкил этди. Бун-да, албатта, инвестиция лойиҳаларининг улуши катта. Туманда ўтган йилнинг ўзиде 21,1 миллион доллар хорижий сар-моя ўзлаштирилган. Мисол учун, Олтин-сойнинг табиий бойликларға тўла тоғла-ридан кўмир қазиб олиш лойиҳасиға 15 миллион доллар тўғридан тўғри хори-жий инвестиция жалб қилинган. Ўтган йилнинг ўзиде маҳаллаларда 347,9 мил-лиард сўмлик 62 та ҳудудий лойиҳа ишға туширилиб, 429 та янги иш ўрни яратил-ган. Тоғли Хўжайпок маҳалласида гипс ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйили-ши режалаштирилган. Лойиҳа ишға ту-ширилғач, йилиға 45 минг тонна маҳсу-лот тайёрланади. Бунинг натижасида яна 50 га яқин янги иш ўрни очилади.

Олтинсойда аскар маҳаллаларнинг асо-сий драйвери — чорвачилик. Тармоқни жадал ривожлантириш халқимизға арзон ва сифатли гўшт ҳамда боқча озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган фуқаролар бандлигини таъминлаш ва да-ромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутди.

Олтинсой туманида бугун 14 та чорва-чилик комплекси бўлиб, қарийб 2000 бош насил қорамол парвариш қилинмоқда. Ўз навбатида, аҳолининг бандлиги оиналар фаровонлиғига, фаровонлик эса ҳудудлар ободлиғига хизмат қилади. Мана шу обод манзилларда скутерини қизиллат-ганча сайру саёҳат қилиб юрган Баҳром бобонинг билдиришича, тумани қоқ ик-киға бўлиб оқувчи сойликнинг номи олдин Тентаксой бўлган ва баҳорнинг ёғинли кунларида аҳоли экинларини сел тошқини билан безор қилган сойға одамлар шундай ном берган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида янги туман сифатида ташкил этиш кўзда тутилган бу ҳудудға келган давлат арбо-би Шароф Рашидов бундан буён бу сой номи Тентаксой эмас, Олтинсой бўли-шини таъкидлаган. Чунки сойни живо-ласа ва манфаатли ишлатса, бу ернинг олтин қўллари олтин манзилларни яра-тишини айтган.

Узоқ йиллар туман Олтинсой аталса-да, гўё фақат эндиғина унинг ҳар бир маҳал-ласе олтин янглиг товлана бошлагандек ва кишиларни ўзига жалб қилаётгандек.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

2024-2025 йилларда давлат хизматларининг 100 тасини электронлаштириш вазифаси қўйилган. Аҳоли ва тadbirkorлардан 10 турдаги хужжат (маълумот)ни талаб этиш бекор қилинади. Шу билан бирга, 20 турдаги хизматнинг мuddати ва талаб этиладиган хужжатлар сони қисқаради.

Кейинги уч-тўрт йилда автоматотранспорт воситалари сони жуда кўпайди. Бу ўз-ўзидан шу билан боғлиқ ишларни оптималлаштириш вазифасини кун тартибига чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, дастурда автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиботларини соддалаштириш ҳам белгиланган.

Шу пайтгача ҳар соҳада кўп иш қилинди. Масалан, яқин-яқингача уйини сотаётган одам камда тўртта идоранинг эшигини нават кутишга мажбур эди. Коммунал тўловлардан қарздор эмаслигини исботлаш учун қоғоз шаклидаги хужжат тўпаларди. Бугун бундай маълумотлар нотариал идоранинг ўзида аниқланади. Бунда сотувчи ортиқча югур-югурдан, олувчи эса сохта маълумот сабаб коммунал тўловлардан қарзга ботган уй сотиб олиш хатаридан халос бўлди.

Яна бир кичик таҳлил. Дастлаб 2018 йил 1 январдан “Бир дарча” тамойили асосида давлат хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилган эди. Ўтган давр ичида марказлар кўрсатаётган хизмат турлари 8,5 баробар ошиб, 37 тадан 335 тага етди. Самарадорлик ҳам шунга яраша бўлди. Аҳолига 60 миллионга яқин хизмат кўрсатилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 591 та хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Давлат органлари аҳоли ва тadbirkorлардан талаб қиладиган 120 турдаги хужжат ва маълумотнома бекор қилинди. Натижада бюрократия — қоғозбозлик сезиларли даражада қисқарди.

Шунингдек, 300 дан ортиқ хизмат кўрсатиш тартиби соддалаштирилган. Яъни хизмат кўрсатиш вақти ҳамда талаб этиладиган хужжатлар сони 2 баробар қисқартирилди. Давлат органлари мавжуд маълумотларни фуқаролардан талаб қилмасдан, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олиши йўлга

бўлмайди? Давлат дастурида бу борада ўзгаришлар назарда тутилганми?!

— “Аҳолининг ягона электрон реестри” ахборот тизими жорий этилади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими А.Махсудов. — Ушбу электрон реестрда жисмоний шахсга доир 36 турдаги маълумот автоматик шакллантирилади ва доимий янгилаб борилади. Келгусида давлат ва нодавлат хизматларини кўрсатиш ва бошқа муносабатларда ушбу электрон реестр ягона ахборот манбаи бўлади. Маълумотларда чалкашликлар кузатишмаслиги учун давлат органлари шахсга доир маълумотларни реал вақт режимида “Аҳолининг ягона электрон реестри” ахборот тизимига тақдим этиб боради. Умуман олганда, давлат хизматларини рақамлаштириш кўлами янада кенгайди. Бугун ечимини кутаётган масалалар ҳал этилиб, “Сервис давлат” тизими яратилади.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб ёшларнинг IT сертификат харажатларини қоплаш ва ўқув марказларини қўллаб-қувватлаш мақсадида яна иккита янги хизмат ишга туширилди. Албатта, соҳада хизмат турларини кенгайтириш учун етарлича шарт-шароит яратилиши керак. Давлат дастурида бу бўйича ҳам аниқ вазифа белгиланган. Масалан, фуқароларнинг биографик ва биометрик маълумотларини йиғишга мўлжалланган замонавий мобил қурилмалар харид қилинади. Улар учун янги дастурий таъминот ишлаб чиқилади. Шундан сўнг қурилмалар Ички ишлар, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликларининг маълумотларини йиғиш пунктларига берилади. Ўз-ўзидан хизмат сифатида ижобий таъсир қилади.

Этиборли жиҳатлардан яна бири, давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ахборот тизимларида бланк шакллари ва аризаларни автоматик тарзда тўлдириш имконияти яратилади. Бунинг учун давлат хизматини кўрсатадиган идораларда QR кодлар жойлаштирилади. Фуқаро ушбу QR кодларни сканер қилиш орқали автоматик тарзда аризаларни шакллантириш ва тўлдириши мумкин бўлади.

Тизимда хизмат турлари кўпайиши вақт ва энергияни тежайди, турли тўсик ва буйруқбозликка чек қўяди. Ишингиз битиши учун кинингидир қош-қовоғига қарашга мажбур бўлмайсиз. Бу эса ҳаётимизда туб ўзгариш ясайди. Оғиримиз енгил, узоғимиз яқин бўлади. Шу орқали иш унумдорлиги ошади. Халқнинг ҳукуматга ишончи ортади. Уни янада мустаҳкамлаш учун ҳам давлат дастурида қатор мақсадлар белгилаб олинган.

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили



уядаги ҳароратни бир маромда ушлаб туради. Тартиб бузилса, бол олиш имконсиз бўлиб қолади. Табиат мўъжизаси бўлган митти жонзотлар ана шундай темир қонун асосида ишлайди.

Ижро ҳокимиятида ҳам худди шундай темир интизом, аниқ вазифа бўлиши шарт. Усиз натижага эришиш мушкул. Хўш, давлат дастурида бу борада қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?

— Вазирлигимиз маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини трансформация қилиш, худдий бошқарувни

Шу боис, бугун кўплаб масалаларни маҳалла доирасида ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Буни “маҳалла еттилиги” мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур тизим халқимизга кўрсатилаётган хизматларнинг катта қисмини зиммасига олган. Шу маънода, “маҳалла еттилиги” давлат халқ хизматчиси тушунчасининг тимсоли, десак муболаға бўлмас.

Давлат дастуридан маҳалланинг ягона платформасини жорий қилиш вазифаси ўрин олган.

Мазкур платформа ҳамда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” платформалари ўзаро интеграция қилинади. Масъуллар иши оsonлашади. “Маҳалла еттилиги” учун яна бир қўлайлик: улар хонадонга кирганда тўлдириладиган ягона саволнома ишлаб чиқилади. Бу билан ижтимоий ҳимоя кўрсатишининг аниқ ва ўзгармас мезони тайин қилинади.

— Маҳалла фаолияти рақамлаштирилиши ҳақида эшитиб, рост, қувондик, — дейди Сурхондарё вилояти Кўмқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласи раиси Муҳаббат Бойматов. — Янгиликлар кўпгина хужжатларни умумлаштиришга, қисқартиришга замин бўлар экан. Шу орқали ортиқча қоғозбозликка барҳам берилади. Ортиқча хужжат йиғиш камаяди. Чунки янги платформада маҳалла аҳолиси билан боғлиқ барча маълумотлар жамланади. Ҳатто маҳаллада яшовчилар ўртасида никоҳ муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бўларкан. Яъни ФХДЁ органлари томонидан никоҳ учун берилган ариза ёки никоҳнинг бекор бўлгани тўғрисидаги маълумотлар киритилар экан. Ўзгаришлар ишимизни тез ва оson бажаришда қўл келиши тайин.

Дарҳақиқат, янги платформа маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тўла қамраб олади. Яъни Ижтимоий ҳимоя, Кадастр, Солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги каби идоралар базалари билан интеграция қилинади. Қолаверса, платформага маҳалла аҳолиси саломатлиги, жойларда ўтказилаётган патронаж тўғрисида маълумотларини ҳам киритиш амалиёти татбиқ этилади. Бу ҳар бир фуқаро ҳақидаги маълумотларни тўлалигича маҳалла платформасида жамлаш имконини беради.

Энди “маҳалла еттилиги” орқали уйма-уй юриб йиғилган маълумотлар “Маҳалла баласи” ягона электрон платформасида жамланади. Янги платформада маҳалла аҳолисига кўрсатилган ижтимоий ёрдамлар билан танишиш мумкин бўлади. Айни пайтда ушбу ёрдамлардан фойдаланиши керак бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олади. Яъни маҳалла аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли қандай, уларга ўз вақтида эътибор берилаётгани ёки йўқ, деган саволларнинг барчасига платформадан жавоб топилади. Бу эса ижро ҳокимияти вакиллари фаолияти самарадорлигини холи ва ҳалол баҳолаш имконини беради. Чунки платформада маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар

фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори қачон, қайси юмушни бажаргани ўз аксини топиб боради. Ҳа, энди бажаряпмиз, амалга оширилди, деган қуруқ гап билан кўтулиб бўлмайди.

Кейинги вақтларда аҳоли бандлигини таъминлашда катта ўзгаришлар бўлаётир. Айниқса, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларга кўрсатилаётган кўмаклар таҳсинга лойиқ. Аммо иш бор жойда камчилик, хатолар ҳам бўлишини унутмаслик керак. Уларни тузатиш учун аввалги фаолият таҳлил этилиши, ким қаерда, қайси сабаб ту-



файли хатога йўл қўйди, деган саволга аниқ жавоб бўлиши керак. Янги платформада фаолият таҳлилига эътибор қаратишга беҳиз эмас. Энди касбга ўқитилган, тadbirkorлик қилиш мақсадида субсидия, грант ва кредит олган шахсларнинг фаолияти натижалари кузатиб боради. Ушбу мониторинг камчиликларни аниқлаб, уларни тақрирлашга мумкин бўлади. Айни пайтда “маҳалла еттилиги” ҳар бир шахсга алоҳида ёндашув асосида йўл-йўриқ кўрсатиши, зарурат туғилганда ёрдам беришга сабаб бўлади.

Бандлиқни таъминлаш ҳақида қанча кўп гапирсак, шунча кам. Чунки мавжуд муаммоларнинг аксарияти ишсизлик билан боғлиқ. Агар оилада ҳеч бўлмаса бир киши етарли даражадаги даромадга эга бўлса, ижтимоий масалалар кун тартибига чиқishi камаяди. Бизда эса узоқ йиллар мобайнида иш ўрни яратиш, бандлиқни таъминлашга етарлича эътибор қаратилмади. Белгиланган вазифалар ижроси борасида оқшаб кузатилди. Қўйиб бўлганда муаммолар ҳал этишда гоҳ етарлича имкон, баъзида фидойилик етишмади.

Бугун ижтимоий ҳимоя, иш ўрни яратиш билан боғлиқ вазифалар кўп берилаётгани сабаби ҳам шунда. Энди йўқотилган вақт ва имкониятлар ўрнини қоплашимиз керак. Бунинг учун, албатта, замон билан ҳамқадам бўлиш шарт.

“Маҳалла баласи” платформасининг жорий этилишидан қўзланган асосий мақсад ҳам аҳолини қийнаётган масалаларни вақтида аниқлаб, барҳам бериш. Мазкур платформанинг яна бир ютуқли жиҳати шундаки, энди иш берувчи ва иш излаётганлар бир-бирини топишга қийналмайди. Яъни ягона миллий меҳнат тизими

электрон базаси асосида икки томон бир-бири билан боғланади.

Шунингдек, маҳалла фаоллари ҳудуддаги иш изловчилар ҳақидаги маълумотларни хусусий бандлик агентликларига мунтазам ва бепул тақдим этиб бориши амалиёти киритилади. Унда уйма-уй юриб йиғилган маълумотлардан фойдаланилади. Демак, “маҳалла еттилиги” ишсизлар масаласини ҳудуд имкониятларидан ташқарида ҳам ҳал этади. Энди маҳалла нафақат ўз ҳудуди имкониятидан ташқарида чиқа олади, балки хориждаги юртдошларимиз учун ҳам ёрдам қўлини чўзиши мумкин бўлади.

Ёшлик шундай даврки, бу вақтда кўрсатилган кичик эътибор ҳам инсоннинг юрагидан бутун умр сақлаиб қолади. Айниқса, у оиласи, яқинларидан олисда бўлса. Хорижда муайян мuddат яшаб келганлар яхши билади, четда юрган киши ўзбекона оқибатни, меҳр ва эътиборни соғинади.

Бугун айрим йиғит-қизлар таълим олиш, касб ўрганиш ва юрт қорига яраш учун хорижда юрибди. Давлат дастурида уларга ҳам алоҳида эътибор берилапти. Энди маҳалла учун яратилмаган янги платформа асосида “Хориждаги ёшлар баласи” шакллантирилади. Ушбу баланс орқали хорижда тахсил олаётган фуқароларни “Ёшлар дафтари”га киритиш имкони яратилади. Четда таълим олаётган йиғит-қизлар юртдан узоқда бўлса-да, давлатимиз меҳр ва эътиборидан баҳраманд бўлади.

Юртимизда ёшлар учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз йўлини топаётган йиғит-қизлар талайгина. Энди маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида ахборот беришларни ташкил этилади. Улар кўргазма материаллари билан таъминланади. Бу ҳам “маҳалла еттилиги” ишини оsonлаштириб, тарғибот вазифасини ўтайди. Зарур вақтда маҳалла фаоллари ва аҳоли орасидаги тушунмовчиликларнинг олдини беради.

Юқоридаги ўзгаришлар давлат дастурида бир неча мақсадларда ажратиб кўрсатилган.



қўйилди. Натижада йилгига ўртача 20 миллиондан зиёд аҳоли ортиқча қоғозбозликдан озод бўлди. Аҳолининг биргина ташкилотларга бориб-келиши билан боғлиқ 300 миллиард сўмдан кўп маблағи тежалди.

Яратилган қўлайликлар ўз йўлига, аммо ҳамон айрим хизматлар учун фуқародан қоғоз шаклидаги маълумотлар сўралиши одамни ўйлантиради. Масалан, ҳозир паспорт маълумотлари орқали ҳар бир шахснинг қайси манзилда доимий, қай ҳудудда вақтинча рўйхатдан ўтганини билиш мумкин. Шу сабаб паспортга муҳр босиш амалиёти бекор қилинди. Шундай экан, банк пластик карта бериш учун биздан доимий манзилимиз ҳақидаги маълумотни қоғоз шаклда сўраши қанчалик тўғри?!

Фуқаролар ҳақида маълумотлар давлат хизматлари порталида жамланган. Зарур ҳолларда барча идора ва ташкилотлар шахс ҳақидаги маълумотларни ўзи аниқлаб олса

асосида ташкил этиш белгилаб қўйилмоқда. Мазкур тамойил ҳам “Сервис давлат” тушунчасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яъни давлат дастурида вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ҳокимликлар вазифа ва функцияларининг аниқ chegarасини белгилаш назарда тутилмоқда. Унга кўра, маҳаллий ҳокимликлар ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бир-бирини тақрирловчи функциялари мақбуллаштирилди. Чунки ижро ҳокимиятида ўхшаш вазифалар бўлиши чалкашликларга сабаб бўлади.

Биз асалариларнинг барчаси бир хил вазифа бажаради, деб ўйлаймиз. Аслида, уларнинг инида темир тартиб ўрнатилган. Ҳар бир арининг ўз вазифаси аниқ белгиланган. Шу боис, асал йиғиш микдори сира ўзгармайди, муҳими, гул топилса бўлди. Асал таркибий жиҳатдан иссиқ кунларда суғилиб, оқиб кетиши керак. Аммо бир тўғуқ арилар

“Яқин йилларгача юртимизда давлат хизматлари билан боғлиқ кийинчилик кўп эди. Ортиқча қоғозбозлик ва буйруқбозлик одамларни бездирганди. Ҳатто абитуриент ўқишга хужжат топшириш учун маҳалла идорасидан маълумотнома олиб келиши шарт эди. Бир сафар яшаш жойим ҳақидаги маълумот йўқлиги учун ўқишга хужжат топшира олмагандим.”



Таҳлил ва таққос

ЭРКИН БОЗОР, ИННОВАЦИОН УСЛУБ, ШАРТНОМАВИЙ КАФОЛАТЛАР



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

2023 йил 12 декабрь куни давлатимиз раҳбари имзолаган “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга биноан, биржада қисқа вақтда “пахта хомашёси секцияси” ташкил этилганини мутахассислар, наинки ушбу бозорда, балки мамлакатимиз аграр тармоғида кейинги пайтда рўй берган энг муҳим воқеалардан бири сифатида баҳоламоқда. Унда 2024 йил ҳосилидан хўжаликлар ва кластерлар ўртасида пахта етказиб бериш юзасидан фьючерс шартномалари тузилишига шароит яратилди. Бунга ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ўтказилган савдолар натижаси асос бўлди.

— Шартноманинг бошланғич қиймати Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охириги 12 ойдаги ўртача нархига мувофиқ белгиланди, ўртача нархлар эса талаб ва тақлиф асосида шаклланади, — дейди биржа бош маклери Исроҳимов. — Бу, ўз навбатида, пахта хомашёси нархининг шаффофлик ва бозор тамойилларига таянган ҳолда шаклланишини таъминлади. Натижада 2024 йил январь-февраль ойларида қарийб 28 мингта фермер хўжалиги томони-

Биржа — шаффоф бозор инфратузилмаси. У ўзида талаб ва тақлиф, соф рақобат, котировка, аукцион каби тушунчаларни мужассам этади. Биржа савдоларини ташкиллаштириш ва иштирок этишдан ҳамма манфаатдор. Негаки, бу жараёнда бир томондан, тадбиркорлар, фермерлар ва умуман, ҳар қандай соҳа вакили ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин иштирок этиб, зарур товар ресурсларини харид қилади. Иккинчи томондан эса, сотувчи корхоналар биржада ўтказиладиган аукционлар ҳисобига қўшимча даромад олиши мумкин. Учинчидан, биржада тузилган битимлар бажарилиши кафолатланади ва бу иштирок этувчиларнинг шартномавий интизомини мустаҳкамлайди.

дан фьючерс шартномаси асосида 1,7 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси биржа савдолари орқали сотилди.

Ўтказилган биржа савдоларига кўра, пахта хомашёси ўртача нархи бир тоннаси учун 8 миллион 284 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, фьючерс шартномасидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинadиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларини фермер хўжаликлари тўғридан тўғри битим тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотиши мумкин. Агар фермер пахта хомашёсини ўз маблағи, шу жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирган бўлса, бунда йиғиб-териб олинган ҳосил ва ундан олинadиган маҳсулотларини спот шартномалари асосида биржада эркин сотади. Бундай имкониятлар унга ҳам, хомашёни сотиб олаётган хўжалик субъектига ҳам яхшигина даромад келтиради.

Фьючерс лотинчадан ўзбекчага ўгирилганда келажак, деган маънони англатади. У толар ёки фонд биржаларида хомашё, оптин, валютка, қимматли қоғозларни ҳозир амалда бўлган нархларда, лекин етказиб бериш ва тўловини кейинги келишилган муддатларда амалга ошириш бўйича олди-сотди шартномаси ҳисобланади.

Биржанинг “яшил энергетика секцияси”да жорий йил февраль ойидан бошлаб илк бор “яшил энергия” сертификатлари сотила бошланди.

“Ўзбекидроэнерго” АЖ бу савдоларда уларнинг дастлабки сотувчиси сифатида иштирок этди ва унинг 26,7 миллион сўмлик дастлабки 2000 та сертификати “ЎЗБАТ” АЖ

қўшма корхонаси томонидан харид қилинди. Бу жараёнда шаклланган дастлабки биржа котировкаси бир донга сертификат учун 13 минг 360 сўмни ташкил қилди.

Сертификатлар бўйича ўтказиладиган биржа савдоларида харидор сифатида яқка тартибдаги тадбиркорлар, маҳаллий корхоналар ёки хорижий компаниялар эркин иштирок этиши мумкин.

“Яшил энергетика” сертификатлари биржа савдолари орқали сотилиши қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча молиялаштириш мабдаларини шакллантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини Европа ва бошқа ривожланган давлатлар бозорига экспорт қилишда имтиёзлардан фойдаланиш имконини беради.

Манфаатлар тўқнашуви рўй берса...

Илгари ЎзРТХБда атиги 15-20 товарга доир давлат харидлари бўйича савдолар ўтказилган бўлса, эндиликда улар сони 30 мингдан ортиб кетган. 2023 йилда биржанинг давлат харидлари бўйича xatid.uzex.uz электрон савдо тизимида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2022 йилга нисбатан 7 фоиз ошиб, 39,4 триллион сўмни ташкил қилди. Бунда бюджет ва корпоратив буюртмачилари маблағларининг тежалиши 13 фоиз ўсиб, 6,6 триллион сўмга тенг бўлди.

Назаримизда, шу ўринда давлат хариди, унинг электрон савдоси нима, бюджет ва корпоратив буюртмачилари бир-бирдан қандай фарқланади, деган саволларга аниқлик киритиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

— Давлат хариди деганда, товар (иш ва хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пуллик асосда олиш тушунилади, — дейди “ЎзРТХБ” АЖнинг давлат харидларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Жўрабек Абдуқаҳҳоров. — Электрон давлат харидлари — электрон дўкон ва бошланғич нархни пайсантириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усули. Давлат буюртмачиси эса мазкур харидларни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади.

Яна бир жиҳат. Давлат харидларини амалга оширишнинг электрон дўкон, аукцион, энг яхши тақлифларни танлаш ва тендер шакллари мавжуд.



Янги тизим ёрдамида харид комиссиясининг аъзолари ва харид иштирокчилари ўртасидаги аффилиланглик хусусиятлари ҳамда етказиб бериувчилар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари электрон тизим томонидан автоматик тарзда аниқланади. Бундай ҳолатлар рўй берган тақдирда, электрон тизим харид комиссиясига аффилиланган иштирокчиларни электрон савдолардан четлаштириш имконини беради. Мазкур механизм электрон танлаш ва тендер савдоларида ғолибни ҳолислик мезонлари асосида аниқлаш ва давлат харидлари соҳасида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда асосий “гов” бўлиб майдонга чиқади.

Авто ва мобил рақамларга талаб юқориликча қолмоқда

Ўтган ҳафтада кўпчилик қизиқувчиларнинг эътиборини тортган қимомиди савдосининг энг қиммат лоти эгасини топди. Ўзбекистонда 20 000-00-00 мобил рақами электрон аукционда сотилди.

20 март куни Товар-хомашё биржасининг mobilraqam.uzex.uz тизимида ўтказилган рақобатли аукцион савдолари натижасига кўра, 1 миллиард 70 миллион сўмлик мобил рақами сотилди. Ушбу кўрсаткич биржанинг мазкур электрон савдо тизими ишга туширилган пайтдан буён энг максимал нарх ҳисобланади.

Мазкур мобил рақам жисмоний шахсга мўлжалланган бўлиб, унинг бошланғич нархи 200 миллион сўмни ташкил қилган. Уч соатдан кўп вақт мобайнида давом этган онлайн-савдоларда 10 та талабдор иштирок этиб, улар томонидан 87 маротаба нарх тақлиф этилган. Бунинг натижасида мобил

рақамнинг бошланғич баҳоси 5 баробардан ортиқча ўсди.

Эндиликда аукцион ғолиби мобил рақамни 10 иш кўни давомида уяли алоқа операторида расмийлаштириши керак.

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб Товар-хомашё биржасида чиройли сонлар комбинациясига эга уяли телефон рақамларини сотиш бўйича янги савдо платформаси ва mobilraqam.uzex.uz веб-сайти фаолият кўрсатиб келади.

Ўтган йиллар давомида онлайн мобил рақамлар кимомиди савдосида 13,7 мингта

фойдаланган иштирокчига тегишли SMS-хабар юборилади. Ўз навбатида, у савдоларда ўз иштирокини аниқлаш тарзда давом этириши ёки янги максимал нархини ўрнатishi мумкин бўлади.

Харид қилинган авторакамларни расмийлаштириш ИИВ ЙХХББ бўлималари томонидан молиявий мажбуриятлар тўлиқ қопланган санадан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилади.

Жорий йилда ҳам avtoraqam.uzex.uz савдо тизимидаги аукционлар янги қўлайликлардан фойдаланган ҳолда давом этипти. Масалан, 2024 йил бошидан буён 178,7 миллион сўмлик 44 минг 241 та авторакам сотилган. Амалга ошган битимларнинг 97 фоиз улуши жисмоний ва 3 фонзи юридик шахсларга тўғри келади.

Тузилган битимларнинг биттаси бўйича ўртача қиймат 4,1 миллион сўмни ташкил этиб, сотилган авторакамларнинг энг паст баҳоси 1,7 миллион сўм, энг қиммат авторакамнинг баҳоси эса 337,6 миллион сўмга тенг бўлган.

Бозор услублари қандай самара беради?

Кейинги йилларда Республика товар-хомашё биржаси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда товар бозорларида шаффофликни таъминлаш ва илгор рақамли технологияларга асосланган бозор механизмларини жорий қилишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ўтган йили биржа илк бор “Fitch Ratings” халқаро агентлигининг “В” (барқарор қўлима) рейтингини олди ҳамда ISO 9001:2015 “Сифат менежменти тизими” халқаро стандарти бўйича ресертификациядан ўтди, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими” халқаро сертификати талабларига мувофиқлигини тасдиқлади.

Мазкур сертификатлар кўрсатиладиган биржа хизматларини юқори сифат даражасини ва компанияда жаҳон стандартларига жавоб берадиган коррупцияга қарши курашиш тизими амалда мавжудлигини тасдиқлайди.

2023 йил якунларига кўра, “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖнинг барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2022 йилга нисбатан 7 фоиз ўсиб, 146,8 триллион сўмга етди. Тузилган битимларнинг қарийб 71 фоизи биржа савдоларига, қолган 29 фоизи электрон тижорат савдо тизимларига тўғри келган.

Шунингдек, биржада тузилган ташқи савдо битимларининг ҳажми 2022 йилга нисбатан 48 фоиз ўсиб, 700,5 миллион доллардан ошди. Айни кунда ЎзРТХБнинг хорижий мамлакатларда 42 та савдо майдончаси фаолият кўрсатаяпти.

Хорижий экспертлар ва консалтинг компаниялар иштирокида ишлаб чиқилган Республика товар-хомашё биржасининг ривожланиш стратегиясида биржанинг IT инфратузилмаси ва савдо платформаларини модернизация қилиш, кўрсатиладиган биржа хизматларининг турини кенгайтириш, ташқи савдо ҳажминини ошириш ҳамда янги биржа савдо воситаларини жорий этиш бўйича олиб бориладиган ишлар жорий йилда ҳам давом этирилади.

Янгича ёндашувлар

Давлатимиз раҳбари яқинда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бўлиб, аҳоли яшаш шароитлари билан танишиш жараёнида тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ва уй хўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали қишлоқ аҳолиси турмушини юксалтириш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Айни кунда ҳар бир маҳалла географик жойлашуви ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, ўз ривожланиш нуқтаси — драйвер йўналишига эга бўлиб бормоқда. Бу эса ўша ҳудудда комплекс ривожланиш имкониятини беради. Натижада фаолият самарадорлиги ошиб, аҳоли орасида тадбиркорлар сафи кенгаймоқда.

Наманган вилоятининг Норин тумани дарё бўйида жойлашгани боис, балиқчилик, кўчатчилик каби йўналишлар аксарият маҳаллаларнинг ўсиш нуқтасига айланган. Туманда захкаш ерлар ҳам кўп. Бундай майдонларда деҳқончилик қилиш осон эмас. Шу боис, ариқ, зовур четларига кўпинча терак кўчатлари экилади.

Бу тажриба сўнгги йилларда зах микдори кўп катта дала майдонларида ҳам қўл-

ланилаетти. Мутахассислар фикрича, терак ва павловния каби дарахт навдари намунаричиликини камайитириш хусусиятига эга.

Ҳа, кўчат экиш, бог яратиш эзгу амал. Оталарнинг фарзандига атаб дарахт экиши ҳам авлоддан авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилган.

Юртимизда терак ўстириш бўйича қадимдан катта тажриба тўпланган. Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда осмонга бўй чўзган тераклар ҳаво софлигини, янги уйлар ёғочини таъминлаб келган.

Маълумотларга кўра, айни пайтда юртимизнинг турли иқлим ва тупроқ шароитида теракнинг 40 га яқин тури, 90 дан ортиқ нави парваришланади. Энг муҳими, терак барча турдаги дарахтлар орасида энг яхши ҳаво тозаловчи ҳисобланади. Карбонат ангидридни ютиб, игна баргли дарахтларга қараганда 10 баробар кўп кислород ҳосил қилади.

Худуддаги Равот ҳамда Полвонқўл маҳаллаларида ҳам ҳар бир томорқага, шунингдек, бир неча гектар далага ана шундай дарахт кўчатлари экилади. Бу эса тупроқ унумдорлиги ошишини таъминлайди. Тераклар воёга етгач, қурилиш ашёси сифатида яхшигина ҳақ эвазига сотилади.

Ҳозир ушбу маҳаллаларда 40 дан зиёд тадбиркорлик субъекти айни йўналишда фаолият кўрсатмоқда.

— Дарахт ўзимиздан чиқади, кўчатини экиб, то ростмана дарахт бўлганча парвариш қиламиз, — дейди равотлик Маъмуржон Сотимов. — Буюртмачиларга кесиб, турли ўлчамдаги қурилиш ёғочлари

тайёрлаб берамиз. Биргина шу цехнинг ўзида 15-20 қишлоққошим ишли бўлди. Қишлоғимизда 40-50 та шундай цех бор. Энди ҳисобланг, бунда қанча одам ишли бўлганини?

Теракнинг, асосан, “Ўзбекистон” навиға талаб юқори. Маҳсулотларимизни мавсумга қараб нафақат вилоят, балки



юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам келиб олиб кетишади.

Қувонарлиси, маҳалладан хорижга ишлашга кетиб, қайтиб келган кўлаб ёшлар ҳам энди мана шундай корхоналарда меҳнат қилиб, яхшигина даромад топмоқда.

— Хорижда кўп ишладим, — дейди Хайрулла Содиқов. — Уч йилдан бери шу ердаман. Солиштириб кўрсам, маошим у ерда топадиган пулим билан даярли бир хил. Иш оғир эмас. Энг муҳими, ота-онам, оилам, қариндош-уруғлар олдидаман.

Равот маҳалласидаги терак қаламчалари етиштириладиган 5 гектар ер 70 дан ортиқ оилага қўшимча томорқа сифатида бўлиб берилган. Равотликлар бу ерда нафақат дарахт парвариш қилади, балки мавсумда дарахт ораларига бошқа экинлар экиб, даромад олмақда.

— Бу ерлар фақат шולי етиштириш мумкин бўлган жойлар эди, — дейди равотлик меҳнат фахрийси Пулатжон Парпиев. — Лекин даромадни жуда яхши деб бўлмасди. Шундай шароитда қандай қилиб ер унумдорлигини ошириш, даромад топиш мумкинлиги хусусида излана бошладик. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, синов тариқасида

терак эдик. Фақат озгина ҳафсала ва меҳнат қилинса кифоя.

— Терак ўстириш маҳалламизнинг драйвер соҳасига айланган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обиджон Отабоев. — Қурилиш маҳсулоти, айниқса, ёғочга ҳар доим эҳтиёж бўлган. Шунинг учун унинг бозори чаққон. Аҳоли ҳар қарч ердан унумли фойдаланган ҳолда зовурлар бўйидан ҳам даромад топяпти.

Маҳаллада бекорчилик ўзи йўқ. Қишин-ёзин иш бор. Натижада маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудуд, деб топилиб “яшил” тоифага киритилган.

Ҳозир Равот ва Полвонқўл маҳаллалари ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган ҳудуд сифатида маҳсулотларини нафақат ўзимизга, балки қўшни республикаларга ҳам етказиб бермоқда.

Ҳар бир цехда сервис хизматлари ҳам ривожланипти. Хомашё тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда маҳсулотни манзилга етказиб бериш жараёнларининг комплекс амалга ошириладигани самарадорлигини таъминламоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугуннинг гапи

Бугун ёшлар онгида, асосан, моддият устувор. Бундай ҳолатда ватанпарварлик, тежамкорлик, илмга интилувчанлик, соғлиғи тўғрисида қайғуриш сингари гўзал фазилатларнинг бошқа индикаторларини шарҳлашга эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам йўқ. Шундай экан, нега энди маънавий қадриятларимизни моддий рағбат орқали ёшларимиз онгу шуурига сингдиришимиз мумкин эмас?!

ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИККИ ҚАНОТИ



Обиддин МАҲМУДОВ,
Иқтисодиёт ва молия
вазирининг маслаҳатчиси

Маънавий мерос шунчаки шиор эмас

Аждодларимиз иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини чуқур англаган. Хусусан, “Авесто”, “Қобуснома”, “Қутадғу билиг” каби нодир асарларда маънавий баркамол инсон ва иқтисодий-ахлоқий тарбия хусусида фикрлар келтирилган. Ҳаромдан ҳазар қилиш, нопоклиқдан тийилишга чақирилган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Ойғўлдиннинг Ўғдулмишга насиҳатини олайлик. Унда тўғрилиқ, тежамкорликка катта аҳамият берилганини кўрамиз:

“...Молим сенга қолди, мен учун малол,
Рохат-фароғатда кун кўргин ҳалол.
Тута билсанг, молу мулким тутгайсан,
Фақирлик нелигин унутгайсан.
Феъ-атворинг ҳалол, фақат тўғри қил,
Тўғрилиқ билан бахт-саодат аҳил”.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам тежамкорлик, қаноат ҳақида пурмаъно гаплар учрайди. “Бор молингга қаноатда бўлгил, қаноат туганмас ганждур. Қашшоқликнинг сабаби исрофдур...”.

Шунингдек, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муомалада самимият ва ҳалимлик каби хусусиятлар бўлиши зарурлиги айтиб ўтилган.

Маънавияти юксак инсон ҳеч қачон бировнинг ҳақиқига, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмаслиги, элига, юртига, оиласига садоқатли бўлиши бундай асарларда кўп ва ҳўб битилган.

Маънавият тарғиботчисининг асосий шиори

Аслида, маънавият бизга тирикликнинг мазмуни ва мақсадини тушунтирадиган, хатти-ҳаракатимизни гўзал ахлоқ билан бойитадиган нафис туйғу, ботиний кучдир. Маънан етуқ, ҳушёр инсонгина миллатнинг бутуни ва эртаси ҳақида фикр юритади, қайғуради, тафаккур қилади. Келажак авлоднинг янада бахтли, фаровон ҳаёт кечиришига, яхши билим олишига ҳисса қўшишга интилади. Негаки, ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг маънавий камолоти юрт тақдирини белгловчи мезондир.

Бу борада давлатимиз раҳбари белгилаб берган тўққиз асосий йўналишдаги вазифалар фақат маданият, маънавият, маърифат соҳасида фаолият юритаётган фуқаролар эмас, балки жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига тегишли. Очиги, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга худди жадид боболаримиздек муносабат билдира

Маърифатли жамиятнинг драйвери халққа маънавиятни тарғиб қилиш, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш каби савобли ва хайрли ишларга даъват этадиган мўътабар жой — мактаблар ва уларда ишлайдиган азиз ва табаррук мураббийлардир.



Жамиятнинг иқтисодий ривож билан боғлиқ муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик, ижтимоий талаблар ва меъёрлар ҳисобга олинади. Бу эса маънавиятнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий тараққиёт билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади. Рост-да, иқтисодий ва маънавий жараёнларни ўзаро уйғун ривожлантириш жамиятда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг юксалишига сабаб бўлади. Зотан, иқтисодиёт ва маънавият бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

оладиган, сергак, янгиликка интилувчан, чинакам юртпарварларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу ўринда, биринчи навбатда, маънавият ва маърифат марказлари, маънавият тарғиботчилари ва зиёлилар фаол бўлиши, бошқаларни ўз ортидан эргаштириши лозим.

Шу билан бирга, виртуал оламда маданиятсизлик, ахлоқсизлик каби иллатлар мунтазам тарғиб қилинаётган мураккаб бир шароитда жонажон юртимизда тинчлик ва оқойишталикни сақлаш учун, аввало, халқимизнинг маънавий бирдамлиги, маънавий ҳамжиҳатлиги янада муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда дунёнинг айрим бурчакларидаги хунрезлик, низо-нифоқларга нисбатан жўяли фикр билдириш, ўз муносабатини акс эттириш маънавий сергакликни, янаям тўлиқроқ ифодаласак, ижтимоий-маънавий бирдамлик, бир ёқадан бош чиқаришдек шарқона донишмандликни талаб этади.

Ҳозир ҳар бир фуқаро шахсий масъулият, гўзал одоб-ахлоқи билан намуна бўлиши зарур. Демак, ҳар биримиз ўз ўрнимиз, мақомимиз, ваколатимиз, эғаллаб турган лавозимимиз даражасида қўлдан келгунча маънавий баркамоллик борасида тарғиботчи вазифасида жон куйдиришимиз керак. Маънавият масаласида ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, сўзимиз, қўзлаган мақсадимиз “эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Миллат тақдирини ўз тақдир, деб биладиган ватанпарвар, ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда жонкуяр, моддий, маънавий-маърифий қадриятларини эъзозлайдиган, маърифатли жамиятни барпо этиш каби ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳамда юрт равнақи учун маърифатпарварлик ҳаракатларида доимо фаол фидойий инсон маънавияти тарғиботчилари саналади.

Маънавият тарғиботчилари ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда уларнинг мазмун-моҳиятини халқ орасида ёйишда, биринчи навбатда, ўзлари бу сўз замиридаги эзгу фикрларни қалбидан ўтказиши, англаб етиши зарур. Улар

мавжуд ютуқларни мақташ, уларга маҳлиё бўлиш эмас, балки мамлакат тараққиётига тўсиқ бўлаётган ёт гоёларга қарши курашиш, маънавий таҳдидларга доимо ҳушёр турадиган билимли, куч-ғайратли, маънавий индекси юқори бўлган инсонлардир.

Маънавий эҳтиёж — маънавий индекс

Муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли қай даражада тараққий этаётганини индекс ва индикаторлар, яъни макроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаб, уни ижобий томонга йўналтириш мумкин. Бунда иқтисодий индикаторлардан тегишли формула асосида фойдаланилса, кифоя.



Шу пайтгача маънавият ва тилни “ўлчаб бўлмайдиган нарсани бошқариб бўлмайди” деган тушунча ва таърифлар қаторига киришиб, бу соҳага эътиборсиз бўлиб келдик. Натижада бугун замонавий ИТ технологиялар ёрдамида Фарбдан оқиб келаётган “оммавий маданият”нинг рақамлаштирилиши оқибатида ёшлардаги маънавий

бўшлиқ қарийб тўлиқ моддият билан тўлдирилди.

Буни аниқроқ тасаввур этиш учун Instagram платформасига мурожаат қиламиз. Маълумки, Instagramда “Giveaway” деган функция мавжуд. Унда, асосан, сўнгги русумдаги смартфондан тортиб, уй, машина ва бошқа турли моддий буюмлар, совғаларга осон йўл билан эришиш тарғиб қилинади. Бу функция, ўз навбатида, ёшлар онига меҳнат қилмасдан қисқа муддатда катта ютуқларга эришиш мумкин, деган тушунчани аста-секин сингдиради. Табиийки, унинг кузатувчилари сони нихоятда кўп. Бу эса азалий қадриятларимиздан бири саналган меҳнатсеварликнинг сусайишига хизмат қилиб, ёшларда боқимандалик қайфияти пайдо бўлишига олиб келади.

Бугун ёшлар онгида, асосан, моддият устувор. Бундай ҳолатда ватанпарварлик, тежамкорлик, илмга интилувчанлик, соғлиғи тўғрисида қайғуриш сингари гўзал фазилатларнинг бошқа индикаторларини шарҳлашга эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам йўқ. Шундай экан, нега энди маънавий қадриятларимизни моддий рағбат орқали ёшларимиз онгу шуурига сингдиришимиз мумкин эмас?!



Бугунги кунда ички ва ташқи маънавий таҳдидларга қарши самарали курашиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида янги мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маънавий соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш долзарб бўлиб бормоқда. Зеро, маърифатли жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини қуриш ҳар бир фуқародан қатъиятли ва омиқор бўлиш, янгича фикр юритишни, янгича ишлашни талаб қилиши табиий.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси “маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш” номи йўналиши, назаримизда, айнан ушбу масаланинг ечимини топиш имконини беради.

Стратегияда кўзда тутилган мақсадларга мувофиқ таклиф ишлаб чиқилди. Жумладан, бугунги замонавий ахборот технологиялари ёрдамида инсоннинг маънавий салоҳиятини маънавий эҳтиёжидан келиб чиқиб, қуйидан юқорига қараб доимий қамолат борувчи “Маънавий индекс” ягона аниқ механизм (платформаси)ни киришти тавсия этилади.

Маънавий индекс инсон маънавий камолотининг ўсиш кўрсаткичи бўлиб, муайян жамият аъзоларининг ягона мақсадга эришиш йўлидаги муштараклигини

таъминлайдиган амалий ҳаракат дастуридир. У — қадрият билан узвий боғланган гўзал инсоний фазилатларни сақлаб турувчи, уни давр талаби билан оқилона уйғунлаштирувчи ҳамда тақомиллаштирувчи истиқболли механизм.

Таклиф этилаётган ушбу лойиҳа ҳар бир фуқаронинг ҳаёти давомида маънавий салоҳиятини баҳолаб борувчи миллий тизим. У сиёсат даражасига қўтарилган етти индикатор, яъни гўзал ахлоққа эга бўлиш, қонунга итоаткорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, ўз соғлиғи тўғрисида қайғуриш, чуқур билим ва фойдали касб-хунар ўрганишга асосланади.

Лойиҳа ҳар бир фуқаро бутун ҳаёти давомида ўқиши керак бўлган, умуммаданий савияни босқичма-босқич баҳолаб боришга қаратилган 84 асарни ўзида қамлаган. Бунда асарлар Республика Маънавият ва маърифат маркази бошчилигида олим, тарихчи, адабиёт ва санъат вакиллари, тегишли экспертлардан иборат мустақил жамоатчилик кенгаши томонидан саралаб олинади.

Ҳозир ушбу лойиҳа икки услубда ишлаб чиқилмоқда. Биринчисида давлат хизматчилари учун КРП таркибига қўшиш,

фуқароларнинг ижтимоийлашувига, тил, фикр ва ишда яқдил уйғунлик пайдо бўлишига хизмат қилади.

Тарғиботга янгича ёндашув

Бугун жаҳолатга қарши маърифат қуролини ишга солиш маънавият зиммасига катта масъулият юклайди. Оила ва мактабда таълим-тарбиянинг таъсирчан усулларини излаб топиш ва ўзига хос тарзда қўллаш, маънавий тарбиянинг узлуқсизлиги, тарғиботнинг самарали бўлишини таъминлашга, аввало, ота-она, устоз-мураббийлар, қолаверса, бутун жамият масъул.

Маърифатли жамиятнинг драйвери халққа маънавиятни тарғиб қилиш, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш каби савобли ва хайрли ишларга даъват этадиган мўътабар жой — мактаблар ва уларда ишлайдиган азиз ва табаррук мураббийлардир.

Бу борада таклифларимиз қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисми мактабларда таълим олишини ҳисобга олиб, аввало, уларга таълим-тарбия бераётган муаллимларнинг маънавий салоҳиятини ошириш мақсадида “ЗООМ” дастури орқали жамоатчилик таниган, маънавият ва маърифат соҳаси фидойиларининг маҳорат дарсларини мунтазам ташкил қилиш зарур. Сабаби, устоз-мураббий миллионлаб ёшлар онгини ижтимоий тармоқлар қармоғига илиниб қолишдан ҳамда ижтимоий фаол, сиёсий сергак, гоёвий-мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам бўлишга, маънавий-ахлоқий ва руҳий қудратини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, ҳар бир соҳадан етишиб чиққан фан арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари, давлат муқофотига сазовор бўлган ҳамюртларимизнинг меҳнат фаолияти, босиб ўтган йўли тўғрисида таълим муассасалари ҳамда ижтимоий тармоқлар учун таъсирчан, ватанпарварлик руҳидаги мақола, видеолар ва бошқа материаллар тайёрлаб, телевидение, ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам бериб бориш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қаровини ҳисобга олиб, улар орқали берилаётган барча дастурларни тайёрлашда маънавиятимиз ва маданиятимиз юксалишига хизмат қилувчи жиҳатларга эътибор қаратиш, бунинг учун соҳа вакиллари ҳамда унда таълим олаётган бўлажак мутахассислар билан маърифат тарғиботчиларининг маҳорат дарсларини ташкил қилиш лозим.

Ҳар қандай юксак иқтисодий ва маърифатли жамият асосида, аввало, инсон камолоти, фикрий юксалиши туради. Унинг ўқ илдизиде эса инсоннинг ахлоқи ва руҳий тарбияси шаклланади. Инсон олий мавжудот деб қадрланади, аммо одамлиқнинг асл моҳияти бўлган маънавий қиёфани шакллантириш муаммоси ҳали умуминсоний миқёсда тадқиқ этилганича йўқ, ҳамон ўрганилмоқда. Миллий маънавият ҳақида кўп гапиримиз, аммо ўтмиш билан фахрланишдан нарига ўтмаймиз. Аслида, барча иллатнинг илдизи биргина шахс маънавиятида эканини чуқур англаб ололук зарур. Зеро, ахлоқсиз мукамалликка эришиб бўлмайди. Шундагина кучли маънавий миллий ахлоқимизнинг емирилиши, миллий қадриятларимизнинг қадрсизланиши, ички ва ташқи таҳдидлар ҳавфи таъсирига қарши курашишга сафарбар этадиган қудратли кучга айланади. Кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият мутаносибликда равнақ топади.



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲҲ QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.